

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ БАҲРОМ НОРБОЕВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(10–11–СИНФЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Умаров Баҳром Норбоевич

Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларнинг коммуникатив
компетентлигини ривожлантириш (10–11–синфлар мисолида)..... 5

Умаров Баҳром Норбоевич

Развитие коммуникативной компетентности учащихся на основе
инновационного подхода (на примере 10–11 классов)..... 24

Umarov Bakhrom Norboevich

Development communicative competence of students based on an
innovative approach (In the example of grades 10–11)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ БАҲРОМ НОРБОЕВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(10–11–СИНФЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Ped2502 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tersu.uz ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Иргаш Тўраевич Чориев
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи гашкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 22 декабрь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (99876) 223-13-11, 221-74-55. Факс: 0(376) 221-76-90; web-site: www.tersu.uz; e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация билан Термиз давлат университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (99876) 223-13-11; 221-74-55. Факс: 0(376) 221-76-90; web-site: www.tersu.uz; e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил “15” 12 куни тарқатилди.
(2021 йил “11” 12 даги 15 рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Чориев
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор.

М.Қ.Бозорова
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент.

Х.Ж.Худойкулов
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон педагогик амалиётида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида коммуникатив таълим муҳитини яратишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда ижтимоий–психологик тренинглар мажмуи (Manchester University), коммуникатив муносабатлар стратегияси (Kudan Institute of Japanese Language and Culture), нутқ стратегияси ва тактикаси, сўзловчи ҳамда тингловчининг шахсий сифатлари (Москва давлат университети, Лингвистик тадқиқотлар институти, Камчатка давлат университети, РФ) илмий асосланган, “Communication Studies” номли мультимедиали технология (University of California)лар ишлаб чиқилган. Бундай ёндашув чоралари ўқув жараёнининг асосий натижасини ифодалаб, таълим сифатини баҳолаш халқаро тадқиқотлар (PISA, PIRLS, TIMSS)да ўқувчиларнинг коммуникатив салоҳияти ва имкониятларини тадқиқ этиш ҳамда истиқболли йўналишларини белгилашга устуворлик бермоқдалар.

Дунёнинг халқаро илмий тадқиқот марказларида мактаб ўқувчиларига ҳаётий (Life Skills) “келажак” кўникмалар, жумладан, ўз–ўзини тарбиялаш, коммуникатив ва ижодий–яратувчанликни ривожлантиришга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлиги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таълим ютуқларига эришишнинг “рағбатлантирувчи” кучи сифатида эътироф этилади. Шунингдек, инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда интерфаол мулоқот ва ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш орқали фаол коммуникатив ҳамкорликни ташкил этиш вазифалари замонавий таълим сифати менежментининг асосий кўрсаткичи сифатида белгиланмоқда.

Янги Ўзбекистон таълим сиёсатининг мазмун-моҳияти тўғрисида Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиши тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹, - деб таъкидлаганлар.

Шахс ижодий индивидуаллиги ва интеллектуал–ахлоқий эркинлигининг ривожланишини намоён этувчи инструмент сифатида белгиланган коммуникатив компетентлик мамлакатимизда қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”нинг “мустақил ҳаёт учун зарур

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 14.

ижтимоий компетенция ва фазилатларнинг одатларга айланиши”² принципи нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга молик. Бу эса, мактаб таълимнинг амалдаги ДТС мазмунида ижтимоий бунортманинг мажбурий компонентлари доирасида таянч ваколатга эга коммуникатив компетенциянинг тузилмаси, мезонлари ва дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ва 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъерий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқувчилар дунёқараши ва мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий ва интеграл-педагогик жиҳатлари Н.Н.Азизхўжаева, Р.Ҳ.Джураев, Э.А.Сейтхалилов, Н.М.Эгамбердиева, Р.Сафарова, Ш.С.Шарипов, Б.Зиёмухаммадов, Н.Сайидахмедов, М.Очилов, Н.Муслимов, Э.Юзликаев, узлуксиз таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш концептуал ва методологик асослари М.Вахобов, М.Пардаева, М.Юлдашев, Н.Нарзиева, Ш.Ураков, Ж.Ўсаров, Й.Асадов, Н.Турдиев, С.Акбарова, Д.Темиров, С.Бабажанова, ўқувчиларда ижодий ва ижтимоий фаоллик ҳамда креативликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари Б.Адилов, О.Мусурмонова, Б.Ходжаев, У.Маҳкамов, К.Иноқов, М.Абдуллаева, Қ.Раҳманова, Ҳ.Ҳамзаев каби мамлакатимиз етакчи олимларининг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Г. Асмолов, Л.С.Выготский, С.Л.Братченко, А.Н.Леонтьев, Г.А.Цукерман,

² Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4676839>

В.И.Байденко, А.В.Хуторской, М.Бахтин, Ю.Н.Карауловнинг тадқиқот ишларида коммуникатив компетенция ва мулоқотнинг ижтимоий-психологик масалалари ёритиб берилган.

Таълим тизимида компетенциявий ёндашув масалаларини тадқиқ қилиш, шакллантириш, ривожлантириш ва ташхислаш борасида хорижий давлатларнинг услубшунос олимларидан J.Raven, C.R.Berger, C.Leung, W.Lohre, Y. Habermas, W.Doise ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борган.

Илмий манбалар таҳлили умумтаълим мактаблари ўқувчилари коммуникатив компетентлигини ривожлантириш масаласи бевосита алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-002- “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик механизмлари” мавзусидаги илмий-лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда инновацион ёндашув асосларини белгилаш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моҳиятини аниқлаштириш орқали мазкур жараённинг психологик–педагогик хусусиятларини аниқлаш;

коммуникатив таълим асосида мактабда ўқитиш муҳитининг сифат ва самарадорликка таъсирини белгилаш механизминини такомиллаштириш;

юқори синф ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба–синов ишларига Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларидаги 10 та умумтаълим мактабининг 1287 нафар ўқувчиси жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети инновацион ёндашув асосида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир фалсафий, ижтимоий, психологик, педагогик, дидактик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, илғор хорижий педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, кузатув, интервью, суҳбат), педагогик тажриба–синов натижаларини коммуникатив–функционал, математик тилшунослик ва математик–статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

синергетик, мажмуавий, шахсга йўналтирилган ёндашувларнинг дидактик имкониятларини аналитик таҳлил этиш орқали ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг аффилятив мотивлари, вербал ва невербал нутқ кўникмалари, оғзаки ва ёзма нутқнинг фикрлаш жараёнларига интенсив таъсири билан бевосита боғлиқ педагогик-психологик хусусиятлари аниқлаштирилган;

коммуникатив таълим асосида мактабда ўқитиш муҳитининг сифат ва самарадорликка таъсирини белгилаш жараён субъектларининг интерфаол мулоқот кўникмаларини шакллантириш, коммуникацияга нисбатан майлларнинг барқарорлигини таъминлаш, субъект-субъект муносабатларида ижтимоий идентификациянинг устуворлигига таянадиган педагогик механизмни такомиллаштириш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделининг амалий компоненти йўналтирувчи, изоҳловчи, мослашувчан, намойишли таркибий асосларга мувофиқ келувчи “мотив, билим, рефлексия, кўникма, малака, амалий фаолият тажрибаси, ижтимоий-мослашув, ўз-ўзини баҳолаш, ўз ўрнини белгилаш” индикаторларидан иборат алгоритмик босқични самарали мулоқот техника ва технологиялари билан адаптив уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари дарснинг англаш босқичида “Коммуникатив хужум”, “Финча ҳикоя айтиш” ва “Коммуникатив ўқитиш ва ўрганиш”, “Тўхтаб ўқиш”, “Муҳокама” стратегияларини ўқитиш мақсадига мувофиқ қўллаш, рефлексия жараёнида “Дискурс таҳлил”, “3 даражали тест” орқали коммуникатив сифатларнинг шаклланганлигини баҳолашнинг диагностика тизимини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг диагностика воситалари ишлаб чиқилган;

ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш борасида ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш мақсадида махсус муаллифлик курс дастури ишлаб чиқилган;

синфда ва мактабдан ташқари ўқув машғулотларда ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тренинг машқлар мажмуи ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган “Дебат” тўгарак гуруҳи фаолиятини ташкил этишга доир ўқув мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот методологик асосининг таъминланганлиги, адекват методик тадқиқот ишлари амалга оширилганлиги, қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий–методик жиҳатдан асосланганлиги, тажриба–синов майдончалари етарлича танланганлиги, зарур миқдорда синов ишларига респондентларнинг жалб этилганлиги,

тўпланган маълумотнинг ишончлилиги ва аниқлиги исботланганлиги, математик статистиканинг ишончли методлари ёрдамида тажриба–синов ишлари натижалари таҳлил этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, якуний натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “коммуникатив компетентлик” тушунчаси мазмуни синергетик таҳлил орқали муаллифлик ёндашув асосида ёритиб берилганлиги, ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга инновацион ёндашув моҳияти, омиллари очиб берилганлиги, шакл ва методлари илмий–методик асосланганлиги, ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлик сифатларига эгалик даражасини баҳоловчи ўлчов аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда инновацион ёндашувни татбиқ этиш имконияти аниқланганлиги, тўғарак фаолиятини ташкил этишга доир ўқув машғулотлари мажмуасининг ишлаб чиқилганлиги, амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий–амалий тавсиялардан ижтимоий–гуманитар фанлар дарсликлари мазмунини такомиллаштиришда, ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга оид методик кўрсатмаларни ишлаб чиқишда, мактаб тўғарак гуруҳлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион ёндашув асосида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг мотивацион, когнитив, фаолиятли, технологик ва рефлексив мезонлари ҳамда воситаларининг ахлоқий–эстетик хусусиятлари Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари”нинг мазмунига сингдирилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 27 июлдаги 01/11-01/10-1071-сон маълумотномаси). Мазкур мезонлар фан дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларда коммуникатив ўқув топшириқларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш имкониятини яратишга хизмат қилган;

ўқувчилар коммуникатив компетентлигининг интегратив таъсирига доир таклифлардан “Тарбия” фани бўйича Давлат таълим стандарти ва концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 27 июлдаги 01/11-01/10-1071-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитиш мазмуни ижтимоий мослашиш ва ўз-ўзини белгилашга доир ўқув материаллари билан бойитишга эришган.

Ўқувчилар коммуникатив компетентлигини аниқлаш мезонларига доир таклифлардан умумтаълимнинг миллий ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 27 июлдаги 01/11-01/10-1071-сон маълумотномаси). Ушбу миллий ўқув дастурлари дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги коммуникатив ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш имкониятини яратган;

Ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари дарснинг англаш босқичида “Коммуникатив хужум”, “Финча ҳикоя айтиш” ва “Коммуникатив ўқитиш ва ўрганиш”, “Тўхтаб ўқиш”, “Муҳокама” стратегияларини ўқитиш мақсадига мувофиқ қўллаш, рефлексия жараёнида “Дискурс таҳлил”, “3 даражали тест” орқали коммуникатив сифатларнинг шаклланганлигини баҳолашнинг диагностик тизимини ишлаб чиқиш асосидаги хулосаларидан умумтаълим мактаблари ўқувчиларини PISA ва PIRLS халқаро тадқиқотларга муваффақиятли тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 27 июлдаги 01/11-01/10-1071-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш асосида уларни ўқув ютуқларига эришишга тайёрлашнинг коммуникатив шакллари амалиётга қўллаш самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишда ва 2020 йилнинг июнь-декабрь ойларида Coursera ташкилоти (АҚШ)нинг “Coursera Workforce Recovery” дастури асосида ташкил этилган жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари ва ташкилотларининг Coursera onlayn таълим платформасидаги “Speaking to persuade: Motivating audiences with solid arguments and moving language” (Вашингтон университети, АҚШ), “Speaking to inform: Discussing complex ideas with clear explanations and dynamic slides” (Вашингтон университети, АҚШ), “Speaking to Inspire: Ceremonial and Motivational Speeches” (Вашингтон университети, АҚШ), “Etkili Konuşma” (Коч университети, Туркия), “Engaging in Persuasive and Credible Communication” (Сингапур миллий университети) ўқув курслари семинар машғулотларида муҳокама этилган, апробациядан ўтказилган (Сертификатлар илова қилинади).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактаблари ўқувчилари коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари, инновацион ёндашув мазмун–моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Коммуникатив компетентлик мамлакатимиз умумтаълим мактабларида жорий этилган ДТСнинг таянч ваколатлари доирасида етакчи ҳисобланади. Бу эса, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида коммуникатив компетентликни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш, унинг модели ва дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этди.

Маълумки, ўқувчи ривожланишнинг “ташувчиси” бўлиб, кейин унинг ташкилотчисига айланади ва ўқувчининг ўз йўлини белгилаши, ўзини англаши ҳамда ривожлантиришини ҳаётнинг ўзи талаб қилади. Ўз йўлини белгилаш ва ижтимоийлашув шароитида фаолиятга оид коммуникацияларни қидириш шундай бир тушунчага олиб келадики, унда шахснинг ўз йўлини белгилаш жараёни ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида юзага келади ва у шахсни мустақил ижодий фаолиятга мос равишда шаклланишига йўналтиради.

Компетенциявий ёндашув ижтимоий ўз йўлини белгилаш назарияси ва амалиётида кўпқиррали фаолият жабҳаларини ўзида мужассамлаштиради.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчини таълим тизимида мослаштиришни эмас, аксинча, унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда шахс сифатида вояга етиши, ўз–ўзини ривожлантириши, мустақил билим олиши, ўзининг ички имконияти, қобилиятини тўла намоён эта олиши, билиш фаоллигини ошириши учун зарур шароитни вужудга келтириши зарур. Шу ўринда шахсга йўналтирилган ва компетенциявий ёндашувга асосланган таълим бир–бирини тўлдиради, униси ҳам, буниси ҳам ижтимоий аҳамиятга ва ўзаро таъсирга эга.

Шахсга йўналтирилган таълим моделини компетенциявий ёндашувга асосланган таълимнинг энг муносиб дидактик воситаси сифатида баҳолаб, бу биз учун ижтимоий, иқтисодий–сиёсий жиҳатдан қанчалик фойдали эканлигини изоҳлаймиз. Шу билан бирга, биз учун муҳимроқ нарса: шахсга йўналтирилган таълим компетенциявий ёндашувнинг икки жиҳати: ижтимоий мослашувчан ва экзистенциал ривожланишни интегратив боғлаш имконини беради.

Экзистенция шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳоси, ўз-ўзини кадрлаш даражаси. Демак, шахснинг ўзини ўзи баҳолаш даражаси қанча паст бўлса, унинг ижтимоий фойдали бўлмаган ҳолатларга, жамоаларга интеграция бўлиши шунча юкори бўлади.

Ўзбек олимлари Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраевлар “Инновацион таълим ўқувчининг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади“, – деб ёзган эдилар³.

Инновацион ёндашувнинг асосий мақсади шахснинг ўз-ўзини англаши, ташхислаши ва унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиш.

Ўқувчининг интеллектуал ривожланиши, феъл–атвори, ҳиссиётлари ва шахсиятининг шаклланиши бевосита нутққа боғлиқ ва улғаяётган ўқувчининг кўзлаган мақсадларига эришишга асосланган ўз-ўзини англаш мотиви унинг ўқишга бўлган муносабатларини ўзгартиради.

Катта ҳажмдаги маълумотлар қуршовида қолган ўқувчи шахсий “матн яратиш”да ўзини англаш усулига айланадиган маконга тушиб қолади. Матн яратиш натижасида ўқувчи “мустақил шахс сифатида ўз “мен”и, ўзида мавжуд бўлган ижобий хислатлар ва салбий хусусиятларни англаб етиш, ўзида маънавий баркамоллик хислатларини тарбиялаш ва шахс сифатида шаклланишга, мустақил фикрлаш ва фикр маҳсулини тўғри, ўринли, равон ифодалашга ёрдам беради”⁴.

Ушбу ифода эътибори билан мактаб таълими муҳофаза қилинган ижтимоий институт эмас, балки ўзини ривожлантириш ва ишлаш механизмига эга бўлган ижтимоий муносабатлар элементи.

“Коммуникатив компетентлик” тушунчаси бугунги кунга келиб турлича қарашлар, карама–қарши фикрлар, ғоялар таъсирида қолаётганини гувоҳимиз. Коммуникатив жараёнлар билан боғлиқ бўлган ва илмий адабиётларда келтирилган кўплаб назарий ёндашув, таърифлар, мулоҳазалар ўқувчини ижтимоий коммуникацияларга муносиб тайёрлаш жараёнининг назарий қобиғига ўтиб, ноқулай семантик контекстан ўрин олган. Бинобарин, бу тушунчанинг педагогик моҳиятини коммуникация назария билан функционал боғлиқлиги ва фанлараро (фалсафа, амалий тилшунослик, психология, иқтисод) алоқаларини синергетик таҳлилсиз амалга ошириб бўлмайди. “Коммуникатив компетентлик”ни ўрганиш жараёнида синергетик

³ Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015. 5 б.

⁴ Зиёдова Т. Матн яратиш технологияси. Монография. Тошкент.ЎзФА,“Фан” нашриёти. 2007.

ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, унда тадқиқ объектига ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик асосида муносабат билдирилади.

Таҳлил натижалари бизни “коммуникатив компетентлик” тушунчасига қўйидагича таъриф беришга ундайди:

Коммуникатив компетентлик – бу турли даражадаги ижтимоий таъсир ўтказиш ҳодисалари билан шаклланган шахснинг ҳаётий ва ишбилармонлик муносабатларида малакали фаолият ва дискурсив тил қобилиятни ўз ичига олувчи кўп даражали рефлексив сифатлари.

Диссертациянинг мазкур бобида ўқувчилар коммуникатив компетентлигининг ривожланиши таълим жараёнида ўқув материални самарали ўзлаштирилишини таъминлаши, ўқувчиларнинг таълим ютуқларига эришиш кўрсаткичлари сифат жиҳатдан яхшиланиши ва фанлар мазмунини ўзлаштиришда динамик ўсиш жараёни кузатилиши илмий–методик асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Инновацион ёндашув асосида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари”** деб номланган.

Тадқиқот ишининг ушбу бобида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга инновацион ёндашув омил, восита, самарали шакл ва методлари таҳлил этилган.

Таълим амалиётида ҳар қандай ёндашув доимо учта асосий даражага нисбатан ўзгаради: таълим мазмуни, таълим фаолиятини ташкил этиш шакллари ва методлари ҳамда бу фаолиятни бошқариш.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўқувчилар таълим ютуқларини эгаллашини таҳлил қилишда кўпроқ таълимий-ахборий воситаларга эътибор берилаётганлиги ёки мактабда кенг тарқалган оғзаки сўраш жараёнининг устуворлиги, умуман, таълимнинг сифат ва миқдори, асосан, таълим кўрсаткичларига йўналтирилганлиги сабабли таълим–тарбия уйғунлиги масаласига камроқ эътибор берилмоқда.

Ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда ягона жиҳат коммуникатив таълим ва тарбия мақсадининг бирлиги. Бу эса, мактаб бошқарувининг янгича сифат натижасига эришиш учун таълим–тарбия жараёнининг истиқбол режасини тузиш имконини беради.

Ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш ишига алоҳида касбий ёндашув агар бутун мактабнинг таълим муҳитини бошқариш тизими билан алоқа ўрнатилмаса, у кафолатган натижа ёки педагогик самара бера олмайди. Бу ўз навбатида, мазкур ёндашувга ягона илмий–методик бошқарув лозимлигини тақозо этади. Мақсадга йўналтирилган фаолиятни мувофиқлаштириш ва бошқаруви “мактаб коммуникатив менежменти” тушунчасини кўз олдимизда гавдалантиради.

Коммуникатив менежмент – бу коммуникатив дидактик режимида ишлайдиган таълим муассасасини илмий-методик бошқариш.

Инновацион ёндашув асосида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва ўзаро боғлиқлиги 1–расмда акс этган.



1-расм. Инновацион ёндашув асосида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш йўналишлари.

Бу ўринда инновация ўз ҳолича шахсга йўналтирилган таълим модели эмас, балки у умумтаълим тизимини қайта қуриш интеграцияси, компетенциявий ёндашувнинг интегратив яхлитлиги сифатида баҳоланади. Ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш билан боғлиқ юқоридаги ёндашув бугунги кунда принципиал жиҳатдан инновацион, ўқувчиларнинг шахсга йўналтирилганлиги педагогик жиҳатдан танланган янгилик.

Инновацион ёндашувнинг таркиби ва мазмуни коммуникатив дидактика принциплари асосида амалга ошириладиган педагогик диалог

ғоялари билан белгиланади. Бу эса, ўз навбатида дискурсив коммуникатив ёндашувдан инновацион фойдаланишга имкон беради.

Диалогик алоқа ўқув материални семантик ва риторик ташкил этишнинг махсус усулларини ишлаб чиқишга имкон беради, улар ёрдамида “психологик-педагогик муносабат маълум предмет билан органик ўзаро алоқаси таъминланади”⁵.

Диалог ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, у инсоннинг мулоқот, ўзаро ва ҳамкорликка бўлган асосий эҳтиёжини амалга оширади. Таълим жараёнидаги диалог гапириш, танлаш, ҳаракат қилиш ва ўзини ўзи белгилашга қодир шахс ривожланиши учун шароит яратади. Зеро, фақатгина мулоқот муҳитида инсон шаклланади, маънавий ҳаёт қадриятларини яратишга қодир бўлади. Шу маънода диалогни «ўқувчи шахсининг фикрлаш ва ўзини англашини таъминлайдиган дидактик–коммуникатив муҳит» деб аташ мумкин, технологик маънода диалог коммуникатив дидактика воситаси.

Коммуникатив дидактика техникаси ва услубларини таҳлил қилишда “дискурс” тушунчаси қўлланилади. Дарс коммуникатив ходиса сифатида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида тил, маданият, менталитет, қадриятлар ва бошқалар билан ажралиб турадиган умумий коммуникатив маконга айланса, бунинг жами дискурс сифатида гавдаланади.

Дискурсга оид моҳиятан тўлиқ тушунчани Г.Тоированинг “Прагмалингвистика” луғатидан ўқиймиз: “Дискурс – (фикр алмаштириш, нутқий мулоқот) сўзловчи ва тингловчи орасида ўзаро суҳбат, саволга яраша жавоб бериш. Мулоқот жараёнида сўзловчи (дискурс назариясида бу “коммуникатор” деб аталади) тингловчи (адресант) га ўз нутқи ёки мулоқот жараёни орқали ўзини таништиради. Дискурс фикрни баён қилиш жараёни, лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шакли моддий воқеланиши, лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда ишлатилиши, лингво-этнопсихологик омиллар мажмуи. Дискурс турли лисоний ва нолисоний омиллар бутунлигидан ҳосил бўлган ўзига хос мураккаб бир тизим. Дискурс лисоннинг яратувчанлик соҳаси (намунаси), ўз навбатида, туғилган ғоя, коммуникатив мақсад (интенция) натижаси. Дискурс матнга нисбатан номоддий объект саналади”⁶.

Ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантирадиган педагогик ўзаро муносабатлар жараёнида дискурс дарсида коммуникатив маконни ташкил қилишнинг дидактик усули сифатида намоён бўлади. Мақсадли, қасдан таъсир қилиш натижасида коммуникатив дидактик дискурс ўқувчи онгининг воситасига айланади ва субъектив равишда билиш асосида матн яратишга олиб келади.

Тадқиқот ишимизда киритган асосий янгиликлардан бири – бу коммуникатив дидактика мазмунида ўзаро педагогик муносабатнинг махсус

5.. Галицких, Е. О. Диалог в образовании как способ становления толерантности: учеб.-метод. Пособие. - М.: Академ. Проект, 2004. – 240 с.

6. Тоирова Г. “Прагмалингвистика” луғати. Тошкент, «Akademnashr», 2016., 9 б.

шакли сифатида ўқитувчининг диалог позициясини енгиллаштирадиган дискурсни аргументлаш ҳисобланади.

Таҳлиллар бизга ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқ компонентлари (мотивацион, когнитив, фаолиятли, технологик, рефлексив)ни шаҳодатлади. Шунга кўра, биз мактаб таълимининг ўқув–билиш фаолияти учун ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини инновацион ривожлантиришга йўналтирадиган моделни мотивацион, когнитив, фаолиятли, технологик, рефлексив компонентлар доирасида асосида ишлаб чиқиш вазифасини қўйдик.

Коммуникатив компетентлик таълим–тарбиянинг мотивацион, когнитив, фаолиятли, технологик, рефлексив компонентларга боғлиқлиги мазкур жараённинг мақсади, мазмуни, ташкилий-педагогик ва натижавийлигининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаб, ушбу моделнинг тизимли, синергетик ва динамик тавсифини белгилайди.

Ўқув-тарбия жараёнидаги ўзаро таъсир, ўзаро назорат ва ўзаро баҳоланиш фаолиятда ўз ўрнини англашга, ўзи ва тенгдошларининг коммуникатив компетентлиги даражасини аниқлашга, бўшлиқларни кўришга, истикболларни аниқлашга имкон беради. Мактаб ўқувчиларида мотив шахслараро, ўзаро таъсир ва ўқув–билиш фаолиятда амалга оширилади.

Коммуникатив компетентликнинг когнитив компоненти инсоннинг коммуникация мазмуни ва тузилишини, уни самарали ташкил этиш усуллари билиши билан шаклланади.

Фаолиятли компонент шахслараро ва ўзаро алоқалар тажрибасини эгаллашга ёрдам берадиган коммуникатив ҳаракатлар орқали шаклланади. Коммуникатив ҳаракатлар элемент сифатида қобилиятни ривожлантиради.

Коммуникатив компетентликнинг технологик компоненти реал ижтимоий-коммуникатив шароитларга яқинлаштирилган практикумларда (мулоқотнинг турли кўринишларига технологик ёндашув ва техникасидан оқилона фойдаланиш), ижтимоий–коммуникатив ҳаракатлар самарадорлигидан қониқиш ҳосил қилган ҳолда ўз–ўзини баҳолаш билан иштирок этиш.

Рефлексив-баҳоловчи компонент коммуникация мазмуни, жараёни ва моҳиятига таъсир қилувчи шахс хусусиятлари билан шаклланади. Ушбу компонент ўқувчини мулоқот пайтида ўз–ўзини белгилаш билан боғлиқ бўлиб, уни самарали бошқариш ва яқунлаш мақсадида амалга оширилади.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланиб, ўқувчиларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг қуйидаги модели ишлаб чиқилди (2–расм):



2-расм. Ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели.

Ишлаб чиқилган педагогик модель механизми ўқувчиларга коммуникатив муаммоларни ҳал қилиш орқали дарснинг коммуникатив вазиятларида бу лаёқатнинг ривожланишига имкон беради, уларнинг мулоқотга мослашувчанликдан ўзини ўзи англашга ўтишини таъминлайди.

Коммуникатив вазифалар турларидан бири сифатида белгиланган коммуникатив топшириқлар коммуникатив компетентликни рўёбга чиқариш ва ривожлантириш воситаси. Коммуникатив топшириқ ўқувчи мактабда ўрганиш жараёнида ўзлаштириши лозим бўлган коммуникатив ҳаракатлар моҳиятини белгилайди.

Коммуникатив топшириқларни ҳал қилиш жараёнида ўқувчи янги турдаги тажрибага эга бўлади, у мулоқот муаммоларини ва уларга бўлган муносабатини белгилайди, коммуникатив вазиятни моделлаштиришни ўрганади, коммуникатив маҳсулотни яратади, ўз натижаларини баҳолай олади, онгли коммуникатив фаолият билан шуғулланади. Бунда ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлари қайта алоқа орқали яхшиланади.

Ўқитиш интерфаол режимда ташкил этилган ўқув машғулотларида мулоҳаза билдириш, қайта (тескари) алоқа педагогик натижаларни таҳлил қилишнинг асосий усули сифатида гуруҳ иши иштирокчилари ўртасида мазмунли ва эмоционал маълумот алмашиш ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган моделда инновацион ёндашув асосида ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг моҳияти куйидаги ҳаракат алгоритми асосида амалга ошириш белгиланган: мотив–билим–рефлексия–кўникма ва малака– амалиёт–ижтимоий-мослашув тажриба–ўз-ўзини баҳолаш–ўз-ўзини белгилаш.

Мазкур тажриба учун ишлаб чиқилган мезонлардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар коммуникатив компетентлигини инновацион ривожлантириш кўрсаткичи унинг жамоавий психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш даражасига боғлиқлигини таъкидладик.

Ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш компонентлари (мотивацион, когнитив, фаолиятли, технологик, рефлексив)нинг учта даражаси (паст, ўрта, юқори) белгиланди.

Тадқиқот ишида дарс жараёнида инновацион ёндашув асосида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган илғор хорижий тажрибалар “Коммуникатив ҳужум”, “Финча ҳикоя айтиш” ва “Коммуникатив ўқитиш ва ўрганиш” усуллари илмий–методик таҳлил этилган, педагогик имкониятлари баҳоланган. Шунингдек, дарс жараёнида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган семинар технологияси, “Тўхтаб ўқиш” стратегияси, “Муҳокама” методининг илмий–методик асослари ва уларни қўллаш миқёси кўрсатиб берилган. Ўқувчиларнинг коммуникатив сифатларини баҳолашда “Дискурс таҳлил” ва “3 даражали тест” методларининг инновацион имкониятлари кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг самарадорлик натижалари таҳлили”** деб номланган

учинчи бобида инновацион ёндашув асосида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга доир педагогик тажриба–синов натижалари ахборот-таҳлилий усулда тақдим этилган.

Тажриба–синов ишларида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 1-, 15- ва Бойсун туманидаги 3-, Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳридаги 1-, 49-, 55-, Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги 13-, 25-, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 28- ва Нурота туманидаги 36- умумтаълим мактабларининг 1287 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тажриба–синов ишида дастлабки ташхис гуруҳ ва яқка тартибда интервью усулида ўтказилди. Синф хонасида ўқувчиларга “Адабиёт”, “Тарих”, “Табиатшунослик”, “Тарбия” дарсликларидан илмий ва ўқув–методик матнлар таклиф қилинди. Ўқувчиларга матн билан танишиш, асл матн мазмунини оғзаки такрорлаш, асл матнга асосланиб ўз матнини тақдим этиш вазифалари берилди. Натижада, ўқувчиларнинг 30 дан 34% гача асл матн мавзусини 79 дан 84% гача ўзларида сақлай олмайдилар, 59 дан 59% гача ўз матнларининг мақсадини тушунмаганлар, 58–68% – оғзаки нутқ тўғрилиги ва аниқлигининг паст даражасини кўрсатди, 68-75% – ўзининг матнини туза олмадилар, 70–85% - ўқувчи луғавий захирасининг кашшоқлигини кўрсатди.

Тажриба–синовни аниқлаш босқичида коммуникатив ўқитиш муҳити, педагогик шартлари ва ўқувчиларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнининг таълим шароитига боғлиқлик масалалари баҳоланди.

Кузатишимизча, тажрибани аниқлаш давомида қайд этилган 10–11–синф ўқувчиларининг коммуникатив компетентлиги даражаси етарли эмас, бу эса, ўқитувчилар компетенциявий ёндашувга интилишларининг суствлиги ва уларнинг анъанавий таълим ғояларига содиқлиги, ўқитувчиларнинг коммуникатив дарсларни ташкил этиш тажрибалари етарли эмаслиги, таълимнинг коммуникатив стратегияси, ўқитиш шакли ва методлари ишлаб чиқилмаганлигидан далолат берди.

Тажриба сўнгида ўқувчилар коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнида қўлланилган инновацион ёндашув ва педагогик ўзаро муносабатлар таъсири натижасида тажриба иштирокчиларининг луғавий захиралари бойиди, ўқувчиларнинг коммуникатив фаолиятдан шахсий манфаат кўришга интилиши намоён бўла бошлади.

